

«Ижарага берувчи» деб аталувчи ўз устави асосида фаолият юритувчи "ORIKZOR SAVDO KOMPLEKSI" MChJ номидан директор ўринбосари Д. Исламов бир томондан ва «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» деб аталувчи Устава асосида фаолият юритувчи УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ АТБ АЛ-ХОРАЗМИЙ номидан Астракулов А.А. иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида шартнома тўздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижарага берувчи» мазкур ижара шартномасига асосан «Ижарага олувчи» га "ORIKZOR SAVDO KOMPLEKSI" MChJ тасарруфдаги объектни ижарага беради. «Ижарага олувчи» эса қуйидаги ижара объекти (объектлари) бўйича ижара ҳақини шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаб беради.

2. ИЖАРА ҲАҚИНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ, МУДДАТЛАРИ

2.1. Ижара ҳақи Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан қуйидагича белгиланди.

Худуд	Блок/павильон	Қават	Объект рақами	Ижара объекти тури	Фойдаланиш мақсади	Ижара майдони (м ²)	Ижара ставкаси (сўм)	Бир ойлик ижара суммаси (сўм)	ҚҚС 15%	Бир ойлик ижара суммаси ҚҚС билан (сўм)
6-АТЖ	АТЖ6	1	Банкомат	Банк	Банк хизмати	15,96	88 000	1 221 286,96	183 193,04	1 404 480
Жами								1 221 286,96	183 193,04	1 404 480,00

2.2. «Ижарага олувчи» ижара муддатининг ҳар бир ойи учун бир ойлик ижара ҳақининг тўлиқ миқдорини ҳисобот ойининг 20 (Ингирманчи) санасига қадар «Ижарага берувчининг» банкдаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт. «Ижарага олувчи» ижара ҳақи тўловларини аванс тарикасида амалга оширишига ҳақли. Ижара ҳақи «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» ижара объектдан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар ижара ҳақи тўланиши шарт. Агар «Ижарага олувчи» томонидан ноқонуний равишда қўшимча майдон эгаллаб олинган бўлса, «Ижарага берувчи» эгаллаб олинган қўшимча майдон учун ижара ҳақи ҳисоблаши ва тўлаб бериши талаб қилишига ҳақли.

2.3. Оммавий-ахборот воситалари орқали мутасадди давлат идоралари томонидан ижара ҳақи ставкалари ўзгартирилганлиги ҳақида эълон қилингандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.1 бандидаги ижара ставкаси ва бир ойлик ижара суммаси мос равишда ўзгарган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

2.4. Агар шартнома шартларида кўзда тутилган муддатдан олдин томонлардан бири ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилса, ижара ҳақи тўлови шу ой учун тўлиқ тўланади ва кейинги ойдан бошлаб тўхтатилади. Ижара ҳақи учун тўланган маблағ «Ижарага олувчи» томонидан ижара объектдан фойдаланмаганлигидан қатъий назар қайтариб берилмайд.

3. ИЖАРА МУДДАТИ

3.1. Ижара муддати 2022 йил 01 январдан 2022 йил 30 июнгача белгиланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Ижарага берувчи» нинг ҳуқуқлари:

4.1. Ижарага берилган объект(объектлар)нинг «Ижарага олувчи» томонидан ёнги хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ҳамда санитария эпидемиология ва карантин қоидалари нормаларига тўлиқ амал қилинишини тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда назорат қилиш. Давлат назорат органлари савдо комплексида ўз функцияларини қонуний амалга ошираётганда уларга ҳамроҳлик қилиш. «Ижарага олувчи» томонидан ёнги хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган ҳолатларда уларни фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш. Ёнги чиқарувчи ностандарт очик спиралли электр иситгич, ностандарт чой қайнатиш мосламалари ва электр плиталарини олиб қўйиш.

4.2. Ижарага берган объектнинг «Ижарага олувчи» томонидан мақсадга мувофиқ фойдаланишини назорат қилиш ва «Ижарага олувчи» нинг аризасига асосан ижара объектини вақти-вақти билан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш мақсадида унинг ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини олиб боришига руҳсат бериш;

4.3. Ижара ҳақини тегишли муддатларда тўланишини талаб қилиш, ижара муддати тугаганда ёки шартнома қонунийликда белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилинганда ижара ҳақини ҳисоблаш ва тўловни талаб қилиш ижара объектини «Ижарага олувчи» ёки жамиятнинг махсус ишчи гуруҳи томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширилгунга қадар давом эттирилади. «Ижарага олувчи» билан ҳисоб китобларни солиштирирма далолатномаларини биргаликда тузиш, ижара ҳақидан қарздорлик юзага келганда унинг банк ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиш, шартномада кўзда тутилган зарарни талаб қилиш. «Ижарага олувчи»нинг ижара ҳақи бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатларда ижара объектини қарздорлик тўлиқ тўлаб берилмагунга қадар муҳрлаб қўйиш. «Ижарага олувчи» томонидан амалдаги қонунарга ва шартномада белгиланган шартларга риоя этилмаган ҳолларда ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан қонунибузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда «Ижарага берувчи» кейинги муддатга ижара шартномаси тузиш мажбуриятини зиммасига олмайди.

4.4. Шартнома муддати тугагандан сўнг, «Ижарага олувчи» кейинги муддатга ижара шартномаси тузиш учун бир ой муддат ичида жамиятга қайта мурожаат қилмаса, «Ижарага берувчи» ушбу ижара объектини бошқа талабгор тадбиркорлик субъектига ижарага беришига ҳақли.

4.5. Бир ойлик муддат ўтганидан сўнг, собиқ «Ижарага олувчи»нинг кейинги даврлар учун ушбу ижара объекти бўйича ижара шартномаси тузиш ҳақидаги талаби қабул қилинмайди ва қонунийликда белгиланган тартибда кейинги даврлар учун шартнома тузишига бўлган имтиёзли ҳуқуқи бекор бўлган ҳисобланади.

«Ижарага берувчи» нинг мажбуриятлари:

4.6. Шартнома имзолангандан сўнг ушбу шартномада белгиланган ижара объекти «Ижарага олувчи»га топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширилади ва ижара муддати бошлангандан расмийлаштирилган ҳисобланади.

4.7. Савдо комплекси ҳудудини чиқиндилардан тозалаш ва белгиланган тартибда пуллик хизматлар ташкил этиш. Тунда ижара объектига кириш тарафини ёритиш, унинг атрофини тозаланишини таъминлаш.

«Ижарага олувчи» нинг ҳуқуқлари:

4.8. Ижара объектдан ушбу шартномада белгиланган муддатда ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

4.9. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш.

4.10. Ижара объектда «Ижарага берувчи»нинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, ўз ҳисобидан таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Жамоат тартибини сақлаш, қўриқлашни ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш, савдо комплексининг нормал фаолият кўрсатиши учун, шу жумладан унинг электр энергия ва сув таъминоти бўйича зарур шароитларни таъминлаш. Савдо комплекси маъмуриятдан савдо комплексининг иш тартиби ва режими бўйича зарур тушунтиришлар олиш.

«Ижарага олувчи» нинг мажбуриятлари:

4.11. Ижара объектдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ижара ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш, ижара объекти хавфсизлигини таъминлаш ҳамда доимий равишда озода, бутлигини сақлаган ҳолда фаолият юритиш, коммунал хизматлардан фойдаланганлик харажатларини тўлаш ва улардан тежамли фойдаланиш чораларини қўриш, ижара объекти, товар моддий бойликларининг сақланиши ва ҳодимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хотирали видеокўзатув мосламаларини ўрнатиш.

4.12. Ижара муддати тугаганда ёки шартнома қонунийликда белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилинганда, 3 (уч) иш кун муддат ичида ижара объектини унда амалга оширилган ўзгаришлар билан, «Ижарага берувчи»га тўлиқ равишда топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топшириш, муомила маданияти, одоб-ахлоқ қоидаларига, махсус униформа кийиб юриш (дресс-код) қоидаларига, ораста юриш талабларига ҳамда савдо маданиятига қатъий амал қилиш.

4.13. «Ижарага олувчи» ижара объектини фақат «Ижарага берувчи»нинг рухсати билан таъмирлаши мумкин, агар «Ижарага берувчи» томонидан бинода тўлиқ таъмирлаш ишлари бўлганда тўғрисида маълум қилинса, ижара объектини 15 (ўн беш) иш кун ичида бўшатиш.

4.14. «Ижарага олувчи» юридик манзили (яшаш манзили ёки рўйхатдан ўтган манзили) ўзгарган тақдирда, ёхуд бошқа ўзгаришлар юз берганда бу ҳақда «Ижарага берувчи»ни 10 (ўн) иш кун ичида ёзма равишда оғохлантириши шарт. Истеъмолчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ижара объектда иш кунни мобайнида узлуқсиз фаолият юритишини таъминлаши шарт. Ижара объектда иш давомида фаолият юритадиган шахсларнинг шахсини белгилوшни бейджик билан таъминлаш, тегишли пешлаш шаклида ўз ташкилотининг фирма номи (номи, рамзи, ёки товар белгисини), яқна тартибдаги тадбиркорнинг номи, жойлашган жойини (почта манзилини) ва иш режимини (ишнинг бошланиши ва тугаш вақтини, тушлик пайтини, дам олиш кунларини) истеъмолчиларга маълум қилиш. Тадбиркорлик фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият туридан ташқари бошқа ноқонуний фаолият тури билан шугулланмаслик.

4.15. Ижара объектда ёнги хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш ҳамда санитария эпидемиология ва карантин қоидалари нормаларига тўлиқ амал қилиш. Ижара объектда бирламчи ёнги ўчириш воситалари ва ёнгидан автоматик равишда хабар берувчи сигнализация кичик тоқли электр симлари ва бошқа кераслик жиҳозларни «Ижарага берувчи»нинг рухсати ва иштирокида ўрнатиш ҳамда уларни техник сўз ҳолатда бўлишини таъминлаш. Ижара объектда ёнги хусусиятга эга бўлган тахта ва рейкаларни ёнги хусусиятини йўқотувчи махсус суюқлик билан ишлов бериши ўз ҳисобидан амалга ошириш. Ёнгидан автоматик хабар бериш (сигнализация) датчиклари «Ижарага олувчи»нинг маъсулиятсизлиги натижасида яроқсиз ҳолатга келса, уларни таъмирлашга сарф қилинган харажатларини қоплаб бериш. Ёнги хавфсизлиги бўлими ҳодимларини куннинг исталган вақтида ижара объектга кириштириш ва уларнинг қонуний талабларини бажариш. Ижара объектда қурилиш, таъмирлаш ва электрпайвандлаш ишларини «Ижарага берувчи»нинг рухсати билан амалга ошириш, ижара объектларини таъмирлашда ёнги ёнғичи пластик материаллардан фойдаланмаслик, ер ости ёнги ўчириш гидрантлари, қранлари, ёнги ўчириш постлари, ёнгига қарши қалқонлар ва эвакуация йўллари товар моддий бойликлари билан тўсиб қўймаслик, ностандарт ёнги чиқарувчи электр иситкичи, электр чойнақлари ва электр плиталардан фойдаланмаслик.

4.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан белгиланган «Ўзбекистон Республикасида савдо комплекслари фаолиятини ташкил этиш қоидалари» талабларидан келиб чиқиб, савдо фаолиятини юритишда юридик ва яқна тартибдаги тадбиркорлар гувоҳномасининг асл нусхаси, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган назорат касса маълумоти ва тўлов терминали, махсус сертификат ҳамда бошқа талаб этиладиган ҳужжатлар бўлишини таъминлаш. Ушбу ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари масъул ҳодимларининг биринчи талабига кўра қўрашатиш.

«Ижарага олувчи» га қуйидагилар таъқиқланади:

4.17. Ижара объектдан ташқарида, омборхонада, омборхона сифатида олинган ижара объектда, шийпонларда, ер майдонида, кўргазма стенда ва ҳар хил мосламаларидан, шунингдек автомобиллардан ва юқларни ташиш учун мўлжалланган воситалар (контейнерлар)дан ноозик-овқат ва озиқ-овқат товарларини сотиш, ижара объекти билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга (субижарга)-бериш, савдо комплекси ҳудудига шахсий аравалардан фойдаланиш, қонун ҳужжатларида таъқиқланган товарлар ва бошқа буюмларни сотиш.

5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. «Ижарага олувчи» ижара ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорда, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаган миқдорда «Ижарага берувчи»га пеня тўлайди, ижара объекти, шартномада кўрсатилган муддатда «Ижарага олувчи» га топширилмаган тақдирда, «Ижарага берувчи» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун олдидан тўлаб қўйилган ижара ҳақининг 0,4% миқдорда, лекин тўланган сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда «Ижарага олувчи» га пеня тўлайди.

5.2. «Ижарага олувчи» ижарага берилган объект ичидаги товар-моддий бойликларнинг бут ҳолда сакланиши ва ўғирланишини олдини олиш учун жавобгар ҳисобланади, ижара шартномаси бекор қилингандан ёки ижара муддати тугагандан сўнг «Ижарага олувчи» ижара объектини ихтиёрий равишда бўшатишдан бош тортса, у ойнинг қайси санасида бўшатишдан қатъий назар, ижара объектини шартномасиз банд қилинган ҳар бир ойи учун бир ойлик ижара ҳақининг 100% миқдорда зарар тўлайди.

5.3 «Ижарага олувчи»нинг масъулиятсизлиги туфайли ёки айби билан ёнгин содир бўлса, у қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва етказилган зарарни тўлиқ қоплайди, бунда «Ижарага берувчи» «Ижарага олувчи» нинг ёнгин натижасида зарар кўрган товар моддий бойликлари учун жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари базалишига йўл қўйилган барча ҳолатларда, «Ижарага олувчи» қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. «Ижарага олувчи» га ижара шартномаси рўйхатдан ўтгандан сўнг ижара ҳақини тўлаш тизимини тақомиллаштириш (тўлов реқвизитларини аниқлаштириш) учун штрих кодли пластик карта бепул берилиб, амалга ошириладиган тўловлар фақат пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади.

6.2. «Ижарага олувчи» электрдан фойдалангани учун, электр энергия ҳақини 1-иловага, сувдан фойдалангани учун сув ҳақини 2-иловага мувофиқ қоплаб беради ва бу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, ижара объекти электр ёки сув тармоғига уланмаган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Ижара шартномасининг муддати қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинганда, «Ижарага олувчи» бино-иншоотни ўзига тегишли бўлган мулкдан бўшатмаса, мол-мулк бошқа омондорга кўчирилиши мумкин ва жамият шу ҳақда тегишли ишчи гуруҳ томонидан тузилган далолатномада қайд этилган мол-мулклар сифатида, миқдорига жавобгар ҳисобланмайди.

6.4. «Ижарага олувчи» ўзининг юридик манзили (янаш манзили ёки рўйхатдан ўтган манзили)ўзгарганлиги тўғрисида «Ижарага берувчи»ни огоҳлантирмаган ҳолда, «Ижарага берувчи»нинг шартнома бўйича эътирозлари, талаблари «Ижарага олувчи»нинг ушбу шартномада кўрсатилган манзилига почта орқали юборилган кундан 10 (ўн) календар кун ўтгандан сўнг «Ижарага олувчи» томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

6.5. Савдо комплекси худудидаги савдо объектларининг иш режими савдо комплекси маъмурияти томонидан тартибга солинади, иш вақти харидорлар учун соат 8.00дан 18.00гача, тушлик вақти 14.00дан 15.00гача этиб белгиланади.

6.6. «Ижарага олувчи» ижара объектини ёпиш зарур бўлган тақдирда сотувчи харидорлар учун ижара объектнинг ёпилиш даври тўғрисидаги эълонни осиб қўйиши, ижара объекти иш вақтининг 1 соатдан кўпроқ вақтга ёпишган тақдирда эса харидорлар учун эълондан ташқари бозор маъмуриятини ёзма шаклда хабардор қилиши.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳеч бир томон иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларига жавобгар эмас, зилзила, сув тошқини, ҳукуматнинг таъқиловчи қарорлари ва бошқалар шулар жумласидандир, бартараф қилиб бўлмайдиган қуچارларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи деб ҳисобланади.

8. ШАРТНОМАНИ ҲАМДА ҲАМДА БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

8.1. Ушбу шартнома томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки «Ижарага берувчи»да ишлаб чиқариш зарурати юзга келганда шартномани «Ижарага олувчи»га бошқа бўш бўлган ижара объектларини таклиф қилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартноманинг 2.2, 4.9, 4.11, 4.12, 4.13, 4.15-бандлари шартлари бузилганда ва Ижарага олувчининг шу ижара объекти бўйича фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат назорат органлари томонидан қамчиликлар аниқланганда ёки қамчилик бартараф этилмаган ҳолларда «Ижарага берувчи» томонидан шартнома бир томонлама муддатидан олдин бекор қилинади.

8.3. «Ижарага олувчи» ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилмоқчи бўлса «Ижарага берувчи» га фойдаланилаётган жорий ойнинг 20 санасига қадар кейинги ойнинг 1 санасидан ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги ёзма ариза билан мурожаат этиши шарт.

8.4. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган ижара объекти(лари) таркиби ўзгаришини расмийлаштириш қуйдагича амалга оширилади (ҳисоб-китобларни «Ижарага берувчи»нинг 1С.Бухгалтерия-8 дастурига мувофиқлаштириш мақсадида):

8.4.1. «Ижарага олувчи» амалдаги ижара шартномасида кўрсатилган ижара объекти(лари) таркибига (дан) бир ёки бир нечта ижара объектини келатган ойдан қўйиш (чиқариш) тўғрисида «Ижарага берувчи»га ёзма равишда ариза билан мурожаат қилинади.

8.4.2. Шартномада кўрсатилган ижара объекти(лари) «Ижарага олувчи» томонидан «Ижарага берувчи»га қайтариш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади. Бунда амалдаги _____-сонли ижара шартномаси _____дан бекор қилинган ҳисобланади.

8.4.3. Айни пайтда томонлар ўртасида ижара объекти(лари) ўзгарган таркиби бўйича янги ижара шартномаси тузилади ва ижара объекти(лари) «Ижарага олувчи» га янги шартнома асосида топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширилади.

8.4.4. Аваллиги шартнома асосида томонлар ўртасида ҳосил бўлган қарздорлик ёки аванс тўловлар янги шартномага кўчирилади ва «Ижарага берувчи»нинг бухгалтерия ҳисоб-китобида акс эттирилади.

8.5. Шартноманинг 8.4. банди фақат шартномада белгиланган ижара муддати даврида ижара объекти(лари) таркиби ўзгараётган шартномалар учун қўлланилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, тарафлар имзолаган кундан бошлаб шартнома шартлари тузилишдан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланган ҳолда кучга кирида ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга бўлади. Шартномани амал қилиш муддати, ижара муддати тугаганда ёки шартнома қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилинганда шартноманинг 2-бўлимдаги шартлар тўлиқ бажарилгунга қадар белгиланади.

9.2. Ушбу шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар томонларнинг келишувига мувофиқ ҳал этилади. Келишилмаган ва ушбу шартноманинг 8.2 бандидан ташқари ҳолларда ва қарздорлик юзга келганда Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»

"ORIKZOR SAVDO KOMPLEKSI" MCHJ
"Orikzor" mavzesi, Toshkent xalqa avtomobil yo'li va Bo'zsuv kanali
ogalig'idagi majmua maydoni
x/p 20208000604838040001
банк "ТОШКЕНТ Ш. "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ УРИКЗОР
ФИЛИАЛИ
Банк коди 00999
СТИР 301543613
ИФУТ 68201 № НДС 326100092935
тел. +998 (71) 299 22 83, факс: +998 (71) 299 22 83

Директор ўринбосари _____ Исламов Д. Х.

Шартнома тузиш бўлими бошлиғи _____ Уманов А. А.

Иқтисодчи _____ Жудайбердиев Ф. Н.

Маъсул мутахассис _____

«ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»

УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ АТБ АЛ-ХОРАЗМИЙ
Toshkent shahri, Yunusobod tumani Shaxrisabz ko'chasi, 3-uy

x/p 19907000500000434002
банк "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ "АЛ-ХОРАЗМИЙ"
ФИЛИАЛИ
Банк коди 00434
СТИР 200833707
ИФУТ № НДС
тел. 712339145, 711203645



File [Signature]



1. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»нинг ижара объектида электр энергиясидан фойдаланиш учун қуйидаги шартномавий микдор белгиланади:

Ижара жойи	Рухсат берилган қувват бир ой учун P, кВт	Электр энергиясининг шартномавий микдори кВт соат
32-АТЖ6-1-Банкомат	1	300

1. Ижарага олувчи хар ойда олдиндан электр энергиясининг жами шартномавий микдорининг 100%ни амалдаги тариф асосида тўловни амалга ошириши шарт. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда ижара объекти электр тармоғидан узиб қўйилади.
2. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»нинг фойдаланган электр энергия хақи ўрнатилган электр хисоблагич кўрсаткичлари электр назоратчилари ва «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» билан биргаликда хар ойнинг 1-5-санасига қадар ёзиб олиниб, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги тариф асосида қайта ҳисобланади ва «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» га хар ойнинг 1-10-санасига қадар тўлаб берилади. Электр энергия учун тарифи ўзгарган кундан бошлаб жорий этилган тариф бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади ва тўлов амалга оширилади.
3. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» электр энергиясидан фойдаланган даврдаги, электр тизими ва электр қурилмаларида йўқотилган энергия микдори, ҳисоботдавридаги энергия истеъмоли микдорининг 11,5% да ҳисобланади.
4. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» ва «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» электр энергиясидан фойдаланиш муносабатлари «Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари» (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига 1-ИЛОВА), Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари қорхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига 2-ИЛОВА) ва амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.
5. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»нинг рухсатсиз «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» томонидан қўшимча электр қурилмаларини ўрнатиш ва фойдаланиш таъқиқланади.
7. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» фойдаланган электр энергия хақи ва жаримани белгиланган тартибда тўланмаган ва электр энергия қондаларига, техника хавфсизлиги қондаларига риоя этмаган ҳоллард алектр тармоқдан узиб қўйилади.

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»

"O'RIKZOR SAVDO KOMPLEKSI" MChJ

"O'rikzor" mavzesi, Toshkent xalqa avtomobil yo'li va Bo'suv kanali oraliq'dagi majmua maydoni

x/p
банк

Банк коди
СТИР 301543613
ИФУТ 68201

тел. +998 (71) 299 22 83; факс: +998 (71) 299 22 83

Директор ўринбосари Исломов Д. Х

Маъсул энеттетик



«ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»

УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ АТБ АЛ-ХОРАЗМИЙ
Toshkent shahri, Yunusobod tumani Shaxrisabz ko'chasi, 3-uy

x/p 19907000500000434002

банк "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ "АЛ-ХОРАЗМИЙ"
ФИЛИАЛИ

Банк коди 00434
СТИР 200833707

ИФУТ
тел. 712339145, 711203645

